171-модда

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ КАРОРИ

171 Болалар соғломлаштириш оромгохлари тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2572

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва согломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 11-сон, 118-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соглиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар**:

- 1. Болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 18 майдаги 15, 11-сон «Болалар соғломлаштириш оромгохлари ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2235, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 251-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ таълими вазири

у. иноятов

Тошкент ш., 2014 йил 11 март, 9-сон

Согликни саклаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш., 2014 йил 11 март, 3-сон



15 (619)-coн — 25 — 171-модда

Болалар соғломлаштириш оромгохлари тўгрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида» ги хамда «Касаба уюшмалари, уларнинг хукуклари ва фаолиятининг кафолатлари тўгрисида» ги конунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва согломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» ги карорига мувофик, болалар согломлаштириш оромгохларининг (бундан буён матнда оромгох деб юритилади) максади, вазифалари ва функцияларини хамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

- 1. Оромгох санитария-гигиена, санитария-эпидемиология хамда хавфсизлик талабларига тўлик жавоб берадиган ва қулай шароитда болаларнинг белгиланган кундалик ҳаёт тарзига риоя этиши, сифатли овқатланиши, ижодий салоҳиятининг ривожланиши, соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг шаклланиши, дам олдирилиши, саломатликларининг тикланиши ва мустаҳкамланиши, жисмоний тарбия, спорт ва туризм билан шуғулланишларини таъминловчи соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади.
- 2. Ушбу Низом талаблари касаба уюшмалари, давлат органлари ва улар тизимидаги ташкилотлар тасарруфида булган оромгохлар фаолиятига, шунингдек касаба уюшмалари маблағлари йуналтириладиган бошқа оромгохлар фаолиятига нисбатан татбиқ этилади.
- 3. Оромгох ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда ўз уставига амал қилади.
- 4. Оромгох юридик шахс хисобланади, ўз уставига, мустақил балансига, банк хисобварағига, ўз номи ёзилган мухрга, юридик манзили кўрсатилган штамп ва бланкаларга эга бўлади.
- 5. Оромгох давлат бошқаруви ва махаллий давлат хокимияти органлари хамда бошқа ташкилотлар (бундан буён матнда Балансда сақловчи деб аталади) томонидан ташкил этилади.



Оромгох бир нечта Балансда сақловчи ва касаба уюшмалари органларининг биргаликдаги маблағлари асосида ташкил этилиши мумкин.

2-боб. Оромгохнинг мақсади, вазифалари ва функциялари

- 6. Оромгоҳнинг мақсади болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳордиқ чиҳаришларини таъминлаш, улар онгига миллий гояни, ватанпарварлик туйгуларини ҳамда миллий ва умуминсоний ҳадриятларни сингдириш орҳали ҳар томонлама барҳамол авлодни вояга етҳазишдан иборатдир.
 - 7. Қуйидагилар оромгоҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болаларнинг дам олиши ва согломлаштирилишини ташкил этиш;

болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлокий камол топишига кумаклашиш;

болаларни ўзбек халқининг тарихий ва миллий анъаналари хамда маънавий қадриятлари билан таништириш;

болаларда «оммавий маданият»нинг турли иллатларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, улар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш;

болаларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этиш;

оромгохнинг моддий-техник таъминотини мустахкамлаш.

Оромгох қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8. Оромгох ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

болаларнинг хар томонлама камол топиши, хусусан, уларнинг шахси, қизиқишлари, иқтидорининг ривожланиши, мустақил билим олиши ва ижодий меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

болаларнинг эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришга қаратилган тўгараклар ташкил этади;

фан асослари буйича қушимча таълим хизматлари курсатади;

болалар билан санъат ва хунармандчилик йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказади;

қобилиятли, иқтидорли болаларни аниқлайди, уларнинг шахсини ривожлантиришга қаратилган мусобақалар, техник, бадиий ижодиёт, ўлкашунослик, экология ва бошқа йўналишлардаги тадбирларни ташкил этади;

соғломлаштириш мавсумидан ташқари вақтларда шартнома асосида турли ташкилотлар билан семинарлар, спорт мусабақалари ва бошқа тадбирларни ўтказади, шунингдек ўз базасида дам олиш масканларини ташкил этали.

Оромгох қонун хужжатларига мувофиқ ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан холда бошқа функцияларни хам амалга ошириши мумкин.



15 (619)-сон

3-боб. Оромгох фаолиятини ташкил этиш

1-§. Умумий қоидалар

- 9. Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланган Республика оромгохларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва согломлаштириш концепциясига мувофик, оромгохлар 2 турга ажратилади:
- 1) стационар оромгохлар стационар база асосида қурилган ёки вақтинчалик ижарага олинган объектларда ташкил этилиб, унда болалар смена давомида яшайди. Мазкур оромгохлар стационар оромгохлар жойлашуви, таъминоти ва кун тартибини ташкил этишнинг санитария нормалари ва қоидалари талабларига асосан фаолият олиб боради;
- 2) кундузги оромгохлар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, спорт, ижтимоий хизмат курсатиш, санаторий-курорт муассасалари, клублар қошида вақтинчалик ташкил этилиб, унда болалар факатгина күндүз күни дам олдирилади ва соғломлаштирилади. Ушбу оромгохлар фаолияти таътил даврида болаларнинг кундуз куни дам олишларини таъминлаш ва согломлаштириш оромгохлари жойлашуви, таъминоти ва күн тартибини ташкиллаштиришнинг гигиена талабларига мувофик юритилади.
- 10. Болалар оромгохларга йўлланма асосида юборилади. Бунда оромгохга йулланмалар болаларнинг ота-оналари ишлаётган ташкилотлар, отаоналар, хомийлар, касаба уюшмалари ташкилотларининг маблаглари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар хисобидан харид килинади.
- 11. Оромгохларда болаларни соғломлаштириш муддатлари худудий соғлиқни сақлаш органларининг тавсиялари ва табиий-иқлим шароитларини хисобга олган холда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати томонидан белгиланади. Бунда согломлаштириш муддатлари ёзги мавсумда 10 кундан, кузги, қишки ва баҳорги мавсумда 7 кундан кам булмаслиги лозим.
- 12. Оромгохда болаларнинг ёшини хисобга олган холда гурухлар тузилади. Гурухлардаги болалар сони 7 — 9 ёшдаги болалар учун 30 нафардан, 10 — 18 ёшдаги болалар учун 40 нафардан ошмаслиги керак.
- 13. Оромгохларда Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарори билан тасдиқланған Республика оромгохларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясида назарда тутилган хизматлар кўрсатилади.
- 14. Оромгохларда дам олувчилар учун овкатланиш ва бошка маиший шароитларни ташкил этишда санитария нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши зарур.
- 15. Оромгохлар болаларнинг ёшини эътиборга олган холда тарбиявий ишларнинг мазмуни буйича қуйидаги ихтисослашган йуналишларда ташкил этилиши мумкин:



Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й.



171-модда — **28** — интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари;

спорт-согломлаштириш оромгохлари;

санаторий-согломлаштириш оромгохлари;

мехнат ва дам олдириш оромгохлари;

харбий-спорт оромгохлари;

экологик-биологик, ўлкашунослик оромгохлари;

ихтисослашган болалар оромгохлари.

Ташкилотчиларнинг таклиф ва ташаббуслари билан бошқа йўналишларда ҳам оромгоҳлар фаолияти ташкил этилиши мумкин.

2-§. Интеллектуал ривожлантириш оромгохлари

- 16. Интеллектуал ривожлантириш оромгохлари фан олимпиадалари, таълим муассасалари буйича утказилган бошка мусобакалар голиблари булган 10 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва согломлаштириш учун ташкил этилган булиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чукурлаштирилган тарзда урганилишига эътибор берилади.
- 17. Интеллектуал ривожлантириш оромгохлари интеллектуал ўкув машгулотлари ва маданий-маърифий тадбирлар дастурлари асосида фаолият кўрсатади.

Интеллектуал ўкув машғулотлари дастури фан йўналишлари бўйича дарс ва тўгарак машғулотлари, махорат дарслари, фан кечалари, турли мусобақа, викторина ва бошқа танловлар шаклида амалга оширилади.

Маданий-маърифий тадбирлар дастури спорт мусобақалари, ижодий учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ва концерт дастурлари, иншо ва расмлар танловлари, шунингдек оромгоҳлар учун тавсия этилган фильмлар намойиши шаклида ташкил этилади.

18. Интеллектуал ўкув машғулотлари ва маданий-маърифий тадбирлар дастурларини амалга оширишда олимлар ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўкитувчилари, адабиёт ва санъат арбоблари улар билан келишилган холда таклиф этилади.

3-§. Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари

- 19. Спорт-согломлаштириш оромгохлари 8 18 ёшдаги болалар учун спорт йўналишидаги таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ўкув-машк машгулотларини давом эттиришлари, уларнинг спорт махоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соглигини мустах-камлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида хар хил гурухлар тузилиши мумкин.
- 20. Спорт-соғломлаштириш оромгохларидаги ўқув-машқ машғулотлари болалар спорт мактабларида ўтказиладиган ўқув жараёнининг давоми бўлиб, мазкур муассасалар учун мўлжалланган дастурлар асосида мураббийлар томонидан олиб борилади.



21. Спорт-согломлаштириш оромгохига тарбиячи ва етакчилар сифатида болалар учун спорт йўналишидаги таълим муассасаларининг мураббийлари келишув бўйича жалб этилади.

4-§. Санаторий-согломлаштириш оромгохлари

- 22. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилади.
- 23. Санаторий-согломлаштириш оромгохлари стационар база асосида курилган согломлаштириш оромгохлари, санатория туридаги мактаб-интернатлар, санаторий-профилакторийлар базасида, шунингдек ўрмон, дарё ва бошқа сув хавзалари ёнида жойлашган хамда етарли даражада кўкаламзорлаштирилган, зарур жихозлар билан таъминланган объектларда ташкил этилиши мумкин. Мазкур оромгохларда болаларнинг согломлаштирилишини ташкил этиш даволаш-согломлаштириш режимига қатъий риоя қилган холда чиниқиш билан бирга олиб бориладиган даволаш бадан тарбияси, тўйимли овқатланиш хамда касаллик тури ва хусусиятига мос келувчи профилактик муолажага асосланиши керак.
- 24. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг жисмоний тарбияси тиббий назорат остида олиб борилади. Ушбу оромгоҳларда соғломлаштирилаётган болалар учун жисмоний зўрикиш даражаси ва режими шифокор томонидан белгиланади.
- 25. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида олис масофага ва узоқ давом этувчи саёҳатлар, ҳарбий ўйинлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш тавсия этилмайди, узоққа ёки тезроқ югуришни, чидамлиликни назарда тутувчи бошқа машғулот турлари чекланган ҳолда ўтказилади.

5-§. Мехнат ва дам олдириш оромгохлари

- 26. Мехнат ва дам олдириш оромгохлари умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг 15 18 ёшдаги ўкувчиларини дам олдириш ва согломлаштиришни уларнинг ижтимоий фойдали мехнати билан бирга олиб бориш максадида ташкил этилади. Унда болалар ижтимоий фойдали мехнатга тайёрланади, уларнинг мехнат кўникмалари шакллантирилади. Ўкувчиларнинг қизиқишлари ва эхтиёжларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рагбатлантириш оромгохни ташкил этишнинг асосий шарти хисобланади.
- 27. Мехнат ва дам олиш оромгохлари кундузги оромгох сифатида турли ташкилотлар, шу жумладан фермер хужаликлари базасида ташкил этилади. Мазкур оромгохларда хар бир мавсум ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган тартибда 12 кундан күп булмаган муддатга белгиланади.
 - 28. Болаларни ижтимоий фойдали мехнатга тайёрлаш ва уларнинг мех-



нат куникмаларини шакллантиришда бажараётган ишининг тури ва муддатларидан қатъи назар, 18 ёшга етмаган шахслар учун белгиланган санитария-эпидемиологик коидалар ва мехнатни мухофаза килиш коидалари талабларига риоя килиниши шарт. Мазкур муассасаларга қабул килинган болалар Ун саккиз ёшдан кичик шахсларнинг мехнати қулланиши тақиқланадиган ноқулай мехнат шароитлари ишлари руйхатида (руйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) назарда тутилган ишларга жалб қилинмаслиги лозим.

29. Мехнат ва дам олиш оромгохларининг кун тартибини ишлаб чикишда болаларнинг мехнат фаолиятини жисмоний согломлаштириш ва маданий-оммавий тадбирлар билан уйгунлаштирилган холда олиб бориш назарда тутилади.

6-§. Харбий-спорт оромгохлари

- 30. Харбий-спорт оромгохлари 12 17 ёшдаги болаларни харбий-ватанпарварлик рухида тарбиялаш, ёшларни Ватан мудофаасига, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида ёзги таътил мавсумида ички ишлар органларининг профилактик хисобида турувчи вояга етмаганлар учун 10 кундан кам булмаган муддатга махсус дастур асосида ташкил этилади.
- 31. Харбий-спорт оромгохларида вояга етмаганлар билан спорт машгулотлари, психологлар иштирокида семинар-тренинглар ва турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

7-§. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгохлари


- 32. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгохларида 7 14 ёшдаги болалар учун сайёхлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишларининг серкирра турлари ташкил этилади, болаларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иктисодий ва тарихий жихатдан ўзига хос жихатлари чукур ўргатилади.
- 33. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгохларида болалар учун сай-ёхлик, ўлкашунослик, табиатшунослик ва экология йўналишларида тўгараклар ташкил этилади.

Мазкур тўгаракларда болаларга табиат ходисаларини кузатиш ва таккослаш, экологик муаммоларни ўрганиш ва мухокама килиш, шунингдек ушбу максадларда бевосита тажриба ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

34. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгохлари томонидан уларда ўтказиладиган машгулотларнинг хусусиятини инобатга олган холда турли йўналишлар бўйича саёхатлар ташкил этилади.

8-§. Ихтисослаштан болалар оромгохлари

35. Ихтисослашган болалар оромгоҳлари 7 — 14 ёшдаги болаларда етакчилик ва фаолликни шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув куникмаларини оширишга йуналтирилади.





- 36. Ихтисослашган болалар оромгохларининг фаолияти, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги «Мехрибонлик» уйларида тарбияланаётган ўкувчиларнинг таътил пайтида дам олишлари ва саломатликларини мустахкамлашни хамда уларга қушимча таълим-тарбия беришни назарда тутган холда ташкил этилади.
- 37. Ихтисослашган болалар оромгохларида тарбиячи сифатида «Мехрибонлик» уйларининг хизматчилари, тўгарак рахбарлари сифатида эса «Баркамол авлод» болалар марказларининг педагог ходимлари жалб этилади.

4-боб. Оромгохни бошкариш

- 38. Оромгох фаолиятига касаба уюшмаси қумитаси билан келишилган қолда Балансда сақловчи томонидан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.
- 39. Оромгох ходимларининг штатлар жадвали оромгохнинг болаларни кабул килиш кувватидан келиб чиккан холда Балансда сакловчи ва касаба уюшмаси кумитаси томонидан ишлаб чикилади ва Балансда сакловчи томонидан тасдикланади.
- 40. Оромгох ходимлари мехнат шартномаси асосида оромгох бошлигининг буйруги билан ишга қабул қилинади ва лавозимидан озод этилади.
- 41. Тиббиёт ходимлари оромгохга тегишли худудий соғликни сақлаш органлари билан келишган холда ишга қабул қилинади. Тиббиёт ходимлари ва оромгох рахбарияти болаларнинг хаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, улар билан мавсум давомида даволаш-профилактика ишлари олиб борилиши, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиниши учун масъул хисобланади.
- 42. Стационар турдаги оромгох ходимлари учун яшаш ва овқатланиш бепул амалга оширилади ва бунинг учун сарфланадиган харажатлар Балансда сакловчи хисобидан копланади.

5-боб. Оромгохни молиялаштириш

43. Стационар турдаги оромгохни доимий сақлаш буйича харажатлар Балансда сақловчи томонидан амалга оширилади.

Агар оромгох бир нечта Балансда сақловчи ва касаба уюшмаларининг биргаликдаги маблағлари асосида ташкил этилган булса, уни моддий таъминлаш буйича харажатлар оромгохни ташкил этишда иштирок этган ташкилотлар томонидан оромгохга соғломлаштириш учун жунатилган болаларнинг сонига мутаносиб равишда қопланади.

44. Кундузги оромгоҳларни моддий таъминлаш, болаларни соғломлаштириш, тарбиявий ишларни ўтказиш, шунингдек ходимларнинг иш ҳақи, овқатланиши учун зарур бўлган харажатлар Балансда сақловчи ҳамда тегишлилигига кўра ҳудудий ҳалқ таълими ёки ўрта маҳсус, касб-ҳунар таъ-



171-модда — 32 — 15 (619)-со**н**

лими органлари томонидан касаба уюшмаси органи билан келишилган ҳолда тузиладиган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

45. Болаларни оромгоҳларда сақлаш харажатлари қуйидаги манбалар ҳисобидан қопланади:

ижтимоий суғурта маблағлари;

касаба уюшмалари бюджети маблаглари;

соғломлаштирилаётган болалар ота-оналарининг оромгоҳга йулланмалар учун тулайдиган маблағлари;

Балансда сақловчининг маблағлари;

хомийларнинг маблаглари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

- 46. Болаларни оромгохларда дам олдириш ва соғломлаштириш учун зарур булган касаба уюшмалари бюджети маблағлари миқдори касаба уюшмалари хисобидан соғломлаштирилиши режалаштирилган болалар сонидан келиб чиқиб аниқланади.
- 47. Балансда сақловчи оромгоҳнинг болаларни қабул қилиш қуввати доирасида оромгоҳга ўз ҳисобидан болалар учун қушимча уринлар ташкил қилиши мумкин. Бунда оромгоҳдаги болалар сонининг ортиши ва уларнинг таъминоти билан боғлиқ ҳаражатлар, шу жумладан, болаларнинг овқатланиши, даволаниши, оромгоҳ ҳодимларининг иш ҳақи учун қушимча маблағлар ва бошқа ҳаражатлар Балансда сақловчи томонидан қопланади.
- 48. Оромгохнинг бухгалтерия хисоби ва хисоботи бухгалтерия хисоби тўгрисидаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 49. Оромгоҳнинг молиявий-хужалик фаолияти мунтазам равишда, лекин дам олиш мавсуми давомида камида бир марта Балансда сақловчи ва касаба уюшмаси қумитаси томонидан текширилади.
- 50. Дам олиш мавсуми тугагач, оромгохнинг молиявий-хужалик фаолияти Балансда сақловчи ва касаба уюшмаси қумитаси томонидан тафтиш қилинади ҳамда оромгоҳнинг мол-мулки тулиқ хатловдан утказилади.

6-боб. Якуний қоидалар

- 51. Оромгохни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 52. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза ҳилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2014 йил 10 март



15 (619)-coн — 33 — 171-модда

Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазири

A. XAUTOB

2014 йил 6 март

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБОЕВ

2014 йил 6 март

Маданият ва спорт ишлари вазири

М. ХОДЖИМАТОВ

2014 йил 5 март

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Т. НАРБАЕВА

2014 йил 4 март

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси

С. ТУРДИЕВ

2014 йил 3 март

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ШАЙХОВ

2014 йил 3 март

